ЎЗБЕКИСТОНДА 1920-30-ЙИЛЛАРДА СОВЕТ РЕЖИМИГА ҚАРШИ МУҚОБИЛ ҒОЯЛАРНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИ

Ў.Қ. Убайдуллаев

Мақолада XX асрнинг 20-30- йилларида Ўзбекистонда совет режимига қарши олиб борилган миллий мухолифат ҳаракати бирламчи манбалар ва тарихий адабиётлар асосида таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: *миллий мухолифат ҳаракати, озодлик, маҳаллий аҳоли, совет режими, муқобил ғоя, зиёлилар, жадидлар, миллий раҳбар.*

В статье проанализировано национальное оппозиционное движение против советского режима в Узбекистане в 20-30-х годах XX века на материале архивных источников и исторической литературы.

Ключевые слова: *национальное оппозиционное движение, свобода, местное население, советский режим, альтернативная идея, интеллигенция, джадиды, национальные лидеры.*

National oppositional movement against the soviet regime in 20-30-es of the XXth centure in Uzbekistan analized on the materials of the archive sources and historical literature.

Key words: *national oppositional movement, freedom,local inhabitants, Soviet regime, alternative idea, intellegensive, Jadids, national leaders.*

Ўзбек халқи азалдан эрк, озодлик учун курашиб келган. Бу кураш чор Россияси мустамлакачилиги даврида ҳам давом этди. Минглаб юрт фидойилари босқинчиларга қарши мардонавор курашдилар ва истиқлол йўлида шаҳид кетдилар. Аммо бу тузумнинг миллий манфаатларга ёт сиёсатига қарши кураш тўхтаб қолмади, у турли кўриниш ва усулларда давом этди. 1917 йил охирида Туркистонда совет тузумига қарши муқобил, демократик давлат бўлган Туркистон мухторияти ташкил топди. Афсуски, маҳаллий аҳолининг истаги ва орзуси бўлган миллий давлатчиликни демократик асосда барпо этиш учун қўйилган илк амалий қадам большевиклар томонидан барбод қилинди. Шундан сўнг ўлкада совет тузумига қарши қуролли қаршилик ҳаракати бошланиб кетди. Ана шу истиқлол курашчилари сафида кўплаб миллий зиёлилар, тараққийпарварлар бўлган ва улар бу ҳаракатга ғоявий жиҳатдан раҳнамолик қилганлар.

Мухолиф кучларнинг большевиклар тузуми зўравонлик сиёсатига қарши қуролли курашида истиқлолчиларга маслакдош бўлган, ерли аҳоли орасидан етишиб чиққан миллий арбоблар ҳам бўлган. Ҳатто улар совет ҳукумати тизимида масъул лавозимларни эгаллаб, бу тузумга қарши гоҳ пинҳона, гоҳида ошкора фаолият олиб борганлар. Бу ҳаракатнинг асл маъносини англатувчи мухолифат сўзи аслида арабча «мухолиф» сўзидан олинган бўлиб, қарама-қарши фикрда бўлган, қарши чиқувчи, қарши, маъноларини билдиради [1.485].

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳали октябрь тўнтариши юз бермаган 1917 йил ёзидаёқ андижонлик тараққийпарварлар большевиклар, меньшевиклар, эсерларга хат йўллаб, уларнинг ғоя ва дастурларини Туркистон мусулмон халқи ўзларига сингдира олмасликларини баён қилган эдилар: «Сизнинг ва бизнинг ҳаёт тарзимиз бир-бирига сира тўғри келмайди, Шунинг учун келгуси давлатчилик ҳаётини бирданига умум бир қолипга солиш керак эмас. Умум қолип андозани бу ерда қўллаб бўлмайди... Бизда сизнинг соф русча маънодаги деҳқонлар йўқ. Ғарбий Европача маънодаги фермерлар ва ижарачилар ҳам йўқ. Бизда эркин деҳқон яшайди. Улар ҳеч қачон, ҳеч қандай шароитда крепостной қаролгина эмас ва балки ижарачи фермер ҳам бўлмаган, эркин мулкдор бўлиб келган. Муқаддас ислом бизни ҳеч қандай табақаларга ва синфларга бўлмаган. Шунинг учун ҳам бизда синфий кураш учун асос йўқдир. Зотан, барча мусулмонлар, улар хоҳ фуқаро, хоҳ мулкдор бўлишидан қатъи назар тенг ҳуқуқлидирлар» [2].

Туркистон жадидлари Россия империяси чангалидан аста-секин, оқилона сиёсат юргизиш орқали тўла мустақилликка эришиш мумкинлигини яхши билардилар. Жадидларнинг давлатчилик ҳақидаги қарашлари ҳаётга татбиқ этилишига большевикларнинг зўравонлик билан ҳокимиятни эгаллаб олиши тўсқинлик қилди. Туркистон Халқ Комиссарлари Совети Туркистон мусулмонлари съездининг мамлакатни идора этишни ерли халқ вакиллари қўлига бериш ҳақидаги қарорини рад этгандан кейин, «Шўрои Ислом» ташкилоти мустақил ҳаракатларни бошлаб юборди. 26 ноябрда Қўқон шаҳрида мусулмонларнинг фавқулодда 4-қурултойи иш бошлади. Унда ўлканинг барча минтақалари ва кўпгина жамоат ташкилотларидан 200 нафардан ортиқ вакил ҳозир бўлди [3.153]. Қурултой «Туркистон мухторияти» деб номланган давлатни эълон қилди. Бироқ Туркистон халқлари ўртасига раҳна солишга уста бўлган большевиклар 1918 йил февралида икки ярим ой фаолият кўрсатган бу мухториятни тор-мор қилди.

Мухториятнинг қонга ботирилиши большевикларнинг террорчилик амалиёти фақат Россия марказидагина эмас, балки Туркистон ўлкасида ҳам кенг қўлланаётганини кўрсатди.

Озодлик осонлик билан қўлга киритилмаслигини тушуниб етган миллий ватанпарварлар қўлга қурол олиб, большевиклар режимига қарши истиқлолчилик ҳаракатини бошлаб юбордилар. Бу ҳаракат 1935 йил охирларигача давом этди. Большевиклар ҳокимиятига қарши курашган мухолиф кучлар етакчиларининг кўпчилиги хорижга бош олиб кетишга мажбур бўлди. Шаҳобиддин Яссавий 1920-1935 йилларда Туркистондан тахминан 2 миллиондан ортиқ киши хорижга кетганини қайд этган [4.131].

Туркистон мухторияти ағдарилгандан кейин миллий демократик зиёлиларга қарши террор бошланди. Мухолифатдаги газеталар, миллий сиёсий ташкилотлар тақиқланди, диний муассасаларнинг мол-мулки, вақф ерлари мусодара қилинди. Диний арбоб ва хизматчиларнинг кўпчилиги ноҳақдан қамоққа олиниб, аксарияти қатағон қилинди. Янги маълумотларга кўра, большевиклар террори натижасида 1919-1930 йилларда 2,5 миллион, 1930-1940 йилларда эса 1.300949 нафар зиёлилар отиб ташланган [5.148].

1920-1923йилларда Туркистонга маҳаллий коммунистларга партиявий, сиёсий ишларда ёрдам кўрсатиш, энг муҳими, марказнинг ўлка устидан қаттиқ назоратини ўрнатиш учун мамлакатнинг марказий шаҳарларидан 1396 эмиссар юборилди [6.162-163]. «Байналмилал ёрдам»нинг бу шакли шахсан Ленин ташаббуси билан бошланиб, совет тарихининг кейинги барча босқичларида амал қилиб келди. Натижада ўлкадаги совет ҳокимиятининг барча тизимлари марказдан юборилган ходимлар томонидан бошқарилди. Туркистон АССР Халқ Комиссарлари Совети марказ кўрсатмаларини сўзсиз бажарувчи дастёр эди. У 1918 йил 29 мартида «аксилинқилобий ғояларни тарғиб қилувчи органларни тугатиш» масаласини шошилинч равишда кўриб чиқади. Оқибатда нокоммунистик нашрларни тугатиш билан «буржуазия ва миллатчилик матбуоти»га қарашли босмахоналар ва тошбосмалар шошилинч равишда национализация қилинди. Большевиклар ҳокимияти оммавий ахборот воситалари билан бир қаторда оммавий-сиёсий, илмий-маърифий ва бадиий адабиётларни нашр этиш устидан мафкуравий назорат ўрнатди. Шу мақсадда 1920 йил 20 мартида ихтисослашган Туркистон давлат нашриёти ташкил этилди [7.40].

Зиёлилар эркин ижодий фаолиятини чеклашнинг бундай усули мухолиф кучлар қаршилигини кучайтирди. Советларнинг марказлаштириш сиёсатига қарши очиқдан-очиқ ҳаракатлар авж олди. 1919 йил март ойида бўлиб ўтган Туркистон ўлка советларининг фавқулодда VII съездида мусулмон депутатлар маҳаллий миллат вакилларини давлат аппаратига жалб этишга уриндилар ва миллий масала бўйича мунозараларда Совет ҳокимиятининг маҳаллий аҳолига ишончсизлик билан қараши, уларни ҳокимият тизимига яқинлаштирмаслигини кескин танқид остига олдилар. Мазкур съездда большевиклар фақат руслардан иборат ҳайъат ташкил қилиб, мажлисни алоҳида равишда олиб борди. Давлат арбоби Турор Рисқулов кўрсатишича, «ҳайъат съездни олиб боришда ҳақсизлик кўрсатди. Шунинг учун президиумга ҳеч қандай ишонч йўқ, уни қайтадан сайлаш керак». Рисқулов бу сўзларни айтгач, съездни тарк этди ва унинг ортидан бутун мусулмон делегатлари зални ташлаб чиқиб кетдилар [8.109]. Шу кунларда Туркистон коммунистларининг 2-ўлка конференцияси ҳам бўлиб ўтаётганди. 30 март куни РКП(б) Ўлка Комитети Мусулмонлар бюросини ташкил этди ва унинг таркибига Т.Рисқулов (раис), Н.Хўжаев, А.Муҳитдинов, Ю.Иброҳимов ва Ю. Алиев сайланди [9.63].

Мусбюронинг 1919 йил 23 апрелдаги махсус қароридан сўнг Фарғона водийси аҳолисига нисбатан қизил армия ва арман дашноқлари томонидан қилинган жиноятлар ошкор бўлди. Турор Рисқулов етакчилигидаги мухолифат кучлар Туркистон ўлкасидаги большевикларнинг «советлаштириш» сиёсатига қарши курашни сусайтирмадилар. 1920 йил 20-27 январда, деярли бир вақтнинг ўзида, ТКП Ўлка Комитети Мусулмонлар бюросининг 3-конференцияси ва Туркистон Компартиясининг V ўлка конференцияси бўлади. 25 январда Т.Рисқулов миллий масала юзасидан маъруза қилди. Унинг таклифи билан Туркистон Совет Республикаси номи ўзгартирилиб, «Турк республикаси» деб аталадиган бўлди.

«Мусулмон ташкилотларининг 3-конференциясида қабул қилинган Туркистон мухторияти ва Конституцияси ҳақидаги резолюция V ўлка конференцияси делегатлари томонидан ҳам маъқулланди. Мусулмонлар бюроси ва ўлка конференциясида ушбу қўшма резолюциянинг қабул қилиниши совет мустамлакачилик сиёсатига қарши миллий арбоб ва раҳбар ходимларнинг мухолифат ҳаракатидаги муҳим воқеа бўлди. Аммо тарихчи Д.Зиёева тўғри айтганидек, совет ҳокимияти йилларида бу ҳужжатнинг тўла матни ҳеч қаерда қайд этилмади, унинг мазмуни «Турк республикаси» тузиш ва «турк партияси» ташкил этишни кўзлаган миллатчилик, оғмачилик руҳидаги қарашлар деб қораланди. Аслида, бу ҳужжат ўлкада деярли қаршиликка учрамаган, давлат мустақиллигини тинч йўл билан қўлга киритиш имконини берувчи муҳим расмий ҳужжат эди [10.70-71].

Маҳаллий давлат арбоблари РКП(б)нинг Туркистон комиссиясини бадном этувчи материалларни Москвага билдириш ва Туркистон билан РСФСР ўртасидаги муносабатларни аниқлаштирувчи бир қанча масалаларни юқори ҳукумат олдига қўйиш учун Москвага вакиллар юборади. Москвага жўнаш олдидан вакиллар «Миллий иттиҳод» ташкилоти раҳбарларининг кенгашида қатнашадилар. Махфий кенгашда Т.Рисқулов, А.Раҳимбоев, С.Турсунхўжаев, Мунаввар Қори, Н.Хўжаев, Ю.Алиев, А.Исломов, П.Қўчирбоевлар қатнашади.

«Вакиллар томонидан кенгашда Москва олдига қуйидаги талабларни қўйиш ҳақида қарор қабул қилинади:

1. Туркистонни идора этишда Турккомиссиянинг аралашувига чек қўйиш.

2. Туркистонга ўз қуролли кучларига эга бўлиш ҳуқуқини бериш, уни бошқариш Туркистон ҳукумати томонидан амалга оширилишини таъминлаш.

3. Темир йўлларнинг Туркистон ҳукумати томонидан бошқарилишига эришиш.

4. Почта, телеграф алоқаси Туркистон ҳукумати тасарруфида бўлиши, бу масалага Москва бутунлай аралашмаслигига эришиш.

5. Барча Шарқ мамлакатлари билан алоқа ўрнатиш, шартномалар тузишни Туркистон ҳукуматининг ўзи мустақил равишда ҳал қилишига эришиш, Ғарб мамлакатлари билан муносабатни эса РСФСР орқали олиб бориш [11.36].

Вакиллар Т.Рисқулов, Н.Хўжаев ва Г.Ивановлардан иборат эди. Глеб Иванов вакиллар томонидан қўйилган мақсаддан бехабар эди, у Москвага вакиллар юбориш билан боғлиқ масаланинг расмий томонинигина билар, ўлка партия ташкилотида кўрилган масала, яъни Турккомиссия билан тўқнашувдан хабардор эмасди. РКП(б) МК йиғилишда Ленин раислигида Туркистон вакилларининг талаблари кўриб чиқилади. Йиғилишда Рисқулов Туркистон вакилларининг, аниқроғи, «Миллий иттиҳод» ташкилотининг талабини баён қилади. Вакиллар маърузаси бўйича Чичерин ва Крестинский раислигида комиссия тузилади. Бу комиссия бир ой давомида ўртадаги келишмовчиликни бартараф этишга уриниб кўрди ва ниҳоят, РКП(б) МК Туркистон вакилларининг талабларини рад этади. Шундан сўнг Москванинг ўзида Т.Рисқулов, Н.Хўжаев, Заки Валидий ва яна Бошқирдистондан бир вакил таркибида Туркистон-Бошқирдистон бўйича икки вакилликнинг яширин йиғилиши бўлади. Унда Туркистондаги Совет ҳокимиятини қуролли йўл билан ағдариш, бунинг учун «Миллий иттиҳод» ташкилотининг обрўли аъзоларини «босмачилик»ка раҳбарликка қўйишга қарор қилинади. Туркистон, Бошқирдистон ва бошқа Шарқ республикаларига қарата Совет ҳокимиятига қарши қуролли курашга даъват этувчи мурожаатнома қабул қилиниб, у Москвада нашр этилади ва Тошкентга олиб келинади [12.108-110].

Миллий раҳбар ходимларнинг бу саъй-ҳаракатлари зое кетмади. Марказ бирмунча ён беришга мажбур бўлди. 1920 йил ўрталаридан бошлаб маҳаллий миллат вакиллари раҳбарлик лавозимларига кўпроқ кўтарила бошладилар. Жумладан, ТКП МҚнинг маъсул котиби қилиб Назир Тўрақулов, Турк МИҚ раиси қилиб Абдулла Раҳимбоев тайинланади.

Совет ҳокимияти муассасаларида фаолият кўрсатган маҳаллий арбоблар Туркистонда мустақилликка эришиш истагида курашни уюшган сиёсий кураш даражасига кўтаришга ҳаракат қилдилар. Заки Валидий хотираларида таъкидланишича, совет ҳокимиятига қарши олиб борилган курашларни Туркистон миқёсида уюштириб, унга миллий ғояларни сингдириш мақсадида «Туркистон Миллий бирлиги» яширин ташкилоти тузилган, унинг илк йиғилишларида Файзулла Хўжаев ҳам иштирок этган [13.114]. Мунаввар қори ташкилот низомини ишлаб чиқишда ва барча йиғилишларда фаол иштирок этади. Заки Валидий яна жадид тараққийпарварларининг 19 банддан иборат дастурини келтириб ўтади.

Ҳукмрон мафкура миллий арбобларнинг эркин фаолият кўрсатишига тўсқинлик қиларди. Кучли мухолифатда бўлган миллий арбоблар Марказга чақириб олинди ёки Бухородаги амирлик ва Хивадаги хонлик тузумига қарши курашга жалб қилиндилар. 1924 йил февралида Т.Рисқулов Коминтерн ижроия қўмитасининг Ўрта Шарқ бўлимида ишлаш учун Москвага чақириб олинган бўлса, 1920 йил кузида С.Турсунхўжаев Бухоро амирлигига қарши курашга жалб этилди. Қолаверса, ҳокимият таркибидаги миллий мухолифат етакчиларини сиёсий жиҳатдан «яккалаб қўйиш» мақсадида марказ уларга қарши қувғинни ҳам кучайтирди. 1922 йил 25 сентябрида РКП(б) МҚ Ташкилий бюросининг қарори билан «қўпол хатолари учун» ТКП МҚ котиби Н.Тўрақулов, ТАССР ХКС раиси Қ.Отабоев ва ТАССР МИҚ раиси А.Раҳимбоев эгаллаб турган лавозимларидан озод қилиндилар [6.175].

Сиёсий таъқибларга қарамасдан, миллий раҳбар ходимларнинг маҳаллий аҳоли манфаатларини қаттиқ туриб ҳимоя қилиши давом этди. 1922 йил 8 октябрда Туркистон АССР МИҚ раиси лавозимига қўйилган Иномжон Хидиралиев РСФСР МИҚга махсус хат йўллаб, давлат бошқарув аппаратини маҳаллий халқлар руҳияти ва турмушига мослаштириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш зарурлигини кўрсатди:

«1. Маҳаллий аҳоли ичидан марказий давлат идоралари томонидан кўзда тутилган ўринлардан ташқари 814 кишини турли халқ комиссарликлари ва уларнинг бўлимлари, 100 кишини эса маҳаллий идоралар учун тайёрлаш лозим.

2. Маҳаллий кадрлар ичидан олинадиган ходимларни махсус назорат тайёргарлигидан ўтказиш, уларни ҳуқуқ, молия ходими, иш юритувчилар, ҳисобчилар, почта-телеграф, волост ижроия комитети секретарлари тайёрлайдиган курсларга жалб қилиш лозим. Юқоридаги мақсадларга сарфланадиган барча ҳаражатлар молиявий тақчилликка қарамасдан, маҳаллий бюджетдан эмас, балки марказий бюджетдан ажратилиши керак» [14.91-92].

Хидиралиевнинг бу амалий таклифи билан марказий идоралар қисман ҳисоблашишга мажбур бўлдилар. 1923 йил августида ТАССР ХКС «Иш юритишни маҳаллий тилларга ўтказиш бўйича комиссия» таъсис этди, тез орада бу ҳақда декрет ҳам эълон қилинди. Мухолифатдаги миллий раҳбарлар томонидан илгари сурилган ўлканинг мустақил демократик ривожланиш дастури ва уларнинг маҳаллий аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятлари 1920 йилларда Ўрта Осиё минтақасидаги ижтимоий онгнинг умумий ифодаси сифатида намоён бўлиши эди. Миллий демократик муқобил-

лик тарафдорларининг сони изчиллик билан ортиб борди, партия-совет ва хўжалик ходимлари, миллий зиёлилар орасида ҳам кўпайиб борди.

Миллий раҳбар ходимлардан Нишонбек Мавлонбеков 1937 йил 8 сентябрдаги терговда ўз маслакдоши Бўтабой Дадабоев ҳақида кўрсатма бераётганда «ўнгларнинг сиёсий платформаси ва амалий аксилинқилобий фаолияти»га тўхталиб, 1923 йилдаги Туркистон советларининг VIII съездида миллий арбоблардан Рустам Исломов, Бўтабой Дадабоев, Султон Сегизбоев ва Шомансур Алихўжаевларнинг нутқларининг мазмун-моҳиятини кўрсатиб ўтган. Ўшанда бу миллий арбоблар тўғридан-тўғри қуйидаги фикрларни илгари сурган эдилар: «1) РСФСР Туркистонда мустамлакачилик сиёсати олиб бормоқда; 2) Туркистон Компартияси МК Москванинг буюк давлат шовинизми таъсирида қолган ва партия-совет аппаратидан миллий кадрларни сиқиб чиқариш сиёсатини амалга оширмоқда, уларни оғмачиликда, миллатчиликда ва бошқа соҳаларда айбламоқда; 3) ер-сув ислоҳотини тайёрлаш масаласида партия ва деҳқонлар тайёр эмас ва ислоҳотнинг ўтказилиши деҳқонларнинг совет ҳокимиятидан чиқиб кетишига олиб келади; 4) ер-сув ислоҳотига тайёргарлик кўриш билан боғлиқ бошланиб кетган қуйи совет аппаратини соғломлаштириш ва қулоқларга қарши хужумга ўтиш сўлликдан иборат ва шошилинч тадбирдир» [15.9-10].

Бу қарашлар миллий арбобларнинг давлат тузумини Ўрта Осиё давлатчилигининг тарихан қарор топган шаклларига, турмуш тарзига, ижтимоий аҳволига, ахлоқи, иқтисодий ва маънавий маданиятига, диний эътиқодига, тарихий қадриятларига мувофиқ тарзда барпо этиш ҳуқуқини ҳимоя қилишга уриниш эди. Мустамлакачилик сиёсатини амалга оширишнинг «бўлиб ташла, ҳукмронлик қил» шиори остидаги большевикларнинг миллий чегаралаш сиёсати асрлар оша ўлкада ягона халқ, ягона миллат сифатида яшаб келаётган, тили, дини, урф-одати, ва маданияти бир ягона Туркистонни парчалаб ташлашдан иборат эди.

Ўрта Осиёнинг миллий-худудий чегараланиши ва марказнинг ташкил топган республикаларга тўхтовсиз буйруқбозлик қилиши маҳаллий ходимлар ўртасида мухолифатчилик кайфиятининг кучайишига туртки берди. Мухолифат ўз атрофига давлат ва жамоат арбобларини, ўқитувчилар, ёзувчилар, шоирлар ва журналистларни бирлаштирди. Улар ерли халқ ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилгани учун советлар томонидан «миллатчи» сифатида айбланиб, «Ўн саккизлар гуруҳи», «иноғомовчилик», «қосимовчилик», «бадриддиновчилик» тамғаси билан қатағон қилинди.

Хуллас, Ўзбекистонда 1920-30-йилларда миллий арбоб ва раҳбар ходимлар марказнинг кўрсатмалари ва маҳаллий большевикларга қарама-қарши ўлароқ ерли халқ қадр-қимматини авайлаб сақлаш, бошқарувда анча кенг ваколатларга эга бўлиш, миллий иқтисодни юксалтириш учун курашдилар. Афсуски, совет давлат тузилмаларидаги мухолифатчилик ҳаракатининг иштирокчилари «миллий оғмачилик»да айбландилар ва қатағон қилиндилар.

Адабиётлар:

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-жилд. – Т.: 1981.

2. Эргашев Ф., Содиқов Ҳ. Келажак олдида масъулмиз // Ўзбекистон овози.- 1996.- 24 февраль.

3. Аъзамхўжаев С. Туркистон мухторияти – жадидчилик ғояларининг амалдаги ифодаси // Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. – Т.: Университет, 1999.

4. Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ватан тарихи (Иккинчи китоб).- Андижон: Мерос, 1998.

5. Карпов В. Генералиссимус. Книга первая. – М.: Вече, 2003.

6. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида / Тузувчилар: М.Жўраев, Р.Нуруллин, С.Камалов ва бошқ. – Т.: Шарқ, 2000.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви (ЎзР МДА), 17-фонд, 1-рўйхат, 704-иш.

8. ЎзР МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 17-иш.

9. Ўзбекистон коммунистик партияси тарихининг очерклари. – Т.: Ўзбекистон, 1964.

10. Зиёева Д.Ҳ. Мустақиллик учун курашнинг ўқилмаган саҳифалари / Туркистон мустақиллиги ва бирлиги учун кураш саҳифаларидан. – Т.: Фан, 1996.

11. Шамсутдинов Р., Убайдуллаев Ў. Ҳурлик туйғуси билан яшаган эди... // Ўзбекистон матбуоти.- 2002.- №5.- Б.34-36.

12. Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони архиви (ЎзР ПДА) 58-фонд, 79-рўйхат, 166-иш, 108-110- варақлар.

13. Аҳмад Закий Валидий Тўғон. Бўлинганни бўри ер. Туркистон халқларининг миллий мустақиллик учун кураши тарихидан: Хотиралар // Бошқирд тилидан Шерали Турдиев таржимаси. -Т.: Адолат. 1997.-279 б.

14. ЎзР.МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 179-иш, 91-92-варақлар.

15. ЎзР МДА, 86-фонд, 1-рўйхат, 567-иш.

Андижон давлат университети,
2018 йил 10 сентябрда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. М.Абдуллаев)